

**ЯНГИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИГА  
ЎТИШ БЎЙИЧА  
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР**



УЗД.З

657

Б-99

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

17a

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ  
ЯНГИ СЇЕТЛАР РЕЖАСИГА ЎТИШ  
БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

2116. N<sup>o</sup> - 666 -



B 17292

O'z M U

Ilmiy kutubxonasi

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи  
Тошкент — 2004

*Муаллифлар:* *Жўраев Т.И.*  
*Ҳайдаров Ш.У.*  
*Ортиқов Х.А.*  
*Завалишина И.А.*

**Б 69** Бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режасига ўтиш бўйича амалий тавсиялар. Муаллифлар: Т.И.Жўраев, Ш.У. Ҳайдаров, Х.А.Ортиқов ва бошқ. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004. — 80-б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Тўпламда янги счётлар режасига ўтиш (конверсия) ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг кириш қолдиқларини шакллантиришга доир амалий тавсиялар берилган. Унда янги счётлар режасига ўтиш босқичларининг батафсил тавсифи, хусусан, корхонанинг ҳисоб сисъатини тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир счёти инвентаризациядан ўтказиш ва таҳлил қилиш ва қайта таснифлаш бухгалтерия ёзувларини тузиш бўйича тавсиялар келтирилган.

Бухгалтерлар, аудиторлар, иқтисодчилар, корхона раҳбарлари, шунингдек иқтисодий мутахассисликлар талабалари учун.

**ББК 65.052.21**

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004 йил

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЯНГИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИГА ЎТИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

## 1. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга интилиши, мамлакатдан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини таъминлашни, миллий кўрсаткичларни хорижий мамлакатларда қабул қилинган худди шундай кўрсаткичлар билан қиёслаб олишни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг тобора фаол тарзда жаҳон хўжалик тизимининг тўлақонли аъзосига айлана боргани сайин ватанимиз бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига халқаро амалиёт янада кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг асосий тамойилларини белгилаш бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг миллий тизимини ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва унга доир баъзи талабларни баён этиш имконини беради.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича қонунчилик, меъёрий ва услубий таъминотини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 433-сонли «Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури тўғрисида» ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича муайян ишлар бажарилди.

Кейинги йиллар мобайнида бухгалтерия ҳисоби тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

1995 йил 1 январда Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат



қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқлаган «Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи-га киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи бўлди. Кейинчалик мазкур Низом қонун ҳужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори билан янги тахрирда тасдиқланди. Шунини таъкидлаш муҳимки, Низом ҳозирги давр талабларига жавоб беради ва харажатлар ҳисобини шакллантириш бўйича халқаро тамойилларга мос келади.

Олий Мажлис томонидан 1996 йил 30 августда тасдиқланган ва халқаро экспертлар томонидан халқаро даражадаги қонун ҳужжати деб баҳоланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ислоҳотнинг иккинчи босқичи бўлди.

Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислоҳотларни бундан буён амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (бундан кейин матнда — БҲМС) ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурати юзага келди. Бу эса бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг учинчи босқичи бўлди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига асосан Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услугиёти бошқармаси Европа ҳамжамиятининг «TACIS» лойиҳаси билан ҳамкорликда 1997 йилнинг февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишга киришди.

БҲМСларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимида бир қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берди, чунки БҲМС бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда республикада Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари ва 18 та БҲМС мавжуд.

БҲМСни ишлаб чиқишдан асосий мақсад миллий ва хорижий мутахассислар томонидан ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини тушунишда фарқни бартараф этиш ёки илмий тил билан айтганда, бухгалтерия ҳисобини уйғунлаштиришга эришишдир.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда асос қилиб, халқаро стандартлар олинган. Шулар билан бирга Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, миллий иқтисодийнинг эҳтиёжлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тегишли ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва халқаро амалиёт талабларига жавоб берадиган БҲМСнинг мавжудлиги республикадаги бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончилигини халқаро миқёсда тан олиншининг зарурий шarti ҳисобланиб, барча мулкчилик шаклларидаги корхоналаримизнинг молиявий ҳисоботига ишончни таъминлайди.

Шундай қилиб, республикамиздаги бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончилигини халқаро миқёсда тан олиншининг ва ватанимиз корхоналарининг молиявий ҳисоботига ишончни таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва у билан ўзаро боғланган БҲМС тизимининг қабул қилиниши бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини янада ривожлантириш учун кенг ҳуқуқий базани таъминлади, бу эса, ўз навбатида, Республикага хорижий инвестицияларни жалб этишга имкон беради.

Республикада хорижий ҳамкорлар билан ишлаш учун қулай шароитларнинг яратилиши муайян давлат кафолатлари ва ҳуқуқий база билан мустаҳкамланиши керак.

Хорижий ҳамкорларнинг талабларини ўрганиш бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ягона концепциясини яратиш зарурлигини кўрсатди, унда қўйилган хорижий сармоянинг ҳаракати халқаро талабларга мувофиқ яққол акс эттирилиши зарур, бу эса молиявий ҳисоботнинг инвесторларга тушунарли бўлишини таъминлайди.

Буларнинг ҳаммаси ҳисоб тузилмасига муайян таъсир кўрсатиб, корхоналарни бошқариш тизимининг ва ахборотлардан ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжларидан келиб чиқиб маълумотларни батафсиллаштириш зарурлигини шарт қилиб қўяди.



БХМСнинг қабул қилиниши ва рўйхатдан ўтказилишига қадар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш услубияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли қарор билан қабул қилинган Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомга асосланган эди. Кейинги йиллар мобайнида бухгалтерия ҳисоби тизимида ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги вақтда республикада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини тартибга соладиган асосий ҳужжатлардан бири БХМС ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан бекор қилинди.

Корхоналар (ташкилотлар) молиявий ҳисоботи янги шакллارининг тасдиқланиши бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичи бўлди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг таркиби, тузилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ҳозирги вақтда корхоналар молиявий ҳисоботининг таркибига: йирик ва ўрта корхоналар бўйича 5 та шакл, кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича 2 та шакл киради, улар солиқ ва статистика идораларига, мулкдорларга ва банкларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 июндаги 227-сонли «Статистика ва молиявий ҳисоботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига мувофиқ молиявий ҳисобот шакллари тақдим этиш даврийлиги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ҳар чораклик муддатидан йиллик муддатга, йирик корхоналар учун эса «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» ярим йилликдан йиллик муддатга қисқартирилди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида йирик корхоналар молиявий ҳисоботни ҳар чоракда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, кичик корхоналар ва микрофирмалар эса йилда бир маротаба тақдим этадилар.

Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари тизими корхонанинг фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш учун зарур бўлган асосий маълумотларни олишга йўналтирилган, ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосланади.

Молиявий ҳисобот шаклларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига имкони борича яқинлаштириш мақсадида молиявий ҳисобот шаклларининг таркиби, мазмуни қайта кўриб чиқилди, ҳамда молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тасдиқланди.

Қонунчилик ҳужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб 2002 йилда молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари қайта кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 19 мартда 1117-сон билан рўйхатдан ўтказилди. 21-сонли БҲМС нинг қабул қилиниши ва кучга киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига биноан (бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режаси билан ишловчи ҳўжалик юритувчи субъектлар учун) молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тасдиқланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилди. Шунини таъкидлаш зарурки, молиявий ҳисобот шакллари, кўрсаткичлари ва уларни топшириш муддатлари бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига жавоб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби манфаатдор фойдаланувчиларга асосланган қарорлар қабул қилишда ёрдам бериш учун корхона фаолиятининг натижалари тўғрисида ахборот йиғиш, унга ишлов бериш ва тақдим этиш воситасига айланиб бормоқда.

Счётлар режаси, унинг тамойиллари ва қўллаш техникасини билиш нафақат бухгалтерлар, балки бухгалтерия ҳисобига дахлдор бўлган бошқа ходимлар — аудиторлар, солиқ ва молия идоралари ходимлари ва бошқалар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу айниқса, барча ҳисоб тизимида, унинг алоҳида объектлари ва ҳўжалик операцияларида сезиларли ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда муҳимдир.



Бундай шароитда Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини қайта кўриб чиқиш ва жаҳон амалиётига мувофиқ келадиган янги счётлар режасини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан USAID халқаро ташкилоти («Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти», «Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш» ва бошқа лойиҳалар билан ҳамкорликда 1999-2000 йиллар мобайнида жаҳон талабларига жавоб берадиган янги Счётлар режасини ишлаб чиқиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар Режасига муваффақиятли ўтишни таъминлаш мақсадида ва янги счётлар Режасини кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги Счётлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 30 мартдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 1 июнда 930-сон билан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БХМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» сифатида рўйхатдан ўтказилди, ҳамда 2002 йилнинг 1 январидан кучга киритилди.

Янги Счётлар режасининг асосий вазифаси — бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимини, раҳбарият томонидан муҳим қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган молиявий ҳисоботни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги ҳисоб негизида тайёрлайдиган тарзда мукамаллаштиришдан иборатдир.

Амалда бўлган (эски) Счётлар режасида ахборотлар бухгалтерия ҳисобининг счётларида етарли ҳажмда акс эттирилмас эди. Ушбу ахборот тақчиллиги бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлиши натижасида келиб чиқди, яъни амалда бўлган Счётлар режасида зарур ахборотлар тўпланиши мумкин бўлган счётлар назарда тутилмаган эди. Буларнинг ҳаммаси корхона кредит маблағларининг самарали тақсимланишини аниқлаш ва корхонанинг молиявий фаолиятини баҳолашни қийинлаштиради. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида янги Счётлар режасида қуйидагилар назарда тутилган: дебиторлик ва кредиторлик

қарзлари қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзларга ажратилган; «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счёти жорий этилган; асосий счётларга қўшимча счётлар очилган ва ҳоказо.

Қонунчилик ҳужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9<sup>»</sup> сентябрдаги 103-сон буйруғи билан «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» янги таҳрирда тасдиқланди ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан 21-сонли БҲМС сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари 2002 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини янги счётлар режаси бўйича юритмоқдалар, 2003 йил 1 январдан бошлаб уларга биржалар қўшилди, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар эса янги счётлар режасига 2004 йил 1 январдан ўтишди.

Янги Счётлар режасига ва молиявий ҳисоботга ўтиш бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан мувофиқлигини, молиявий кўрсаткичларнинг хорижий мамлакатларда қўлланадиган айнан шундай кўрсаткичлар билан таққосланишини таъминлайди, ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини ватанимиз ва хорижий мутахассислар томонидан тушунилишидаги фарқларни тугатади, республикада бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончилигини халқаро миқёсда тан олинishi корхоналарнинг молиявий ҳисоботига ишончни таъминлайди ва Республикага хорижий инвестицияларни жалб этишга имкон яратади.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бухгалтерия ҳисобининг қонунчилик ва меъёрий базасини умум тан олинган халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб қилди. Шу сабабли, янги счётлар режасига ўтиш — Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда қабул қилинган ҳисоб тизимига ўтиш йўлидаги изчил қадамдир.

Бундай шароитда Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини қайта кўриб чиқиш ва жаҳон амалиётига мувофиқ келадиган янги счётлар режасини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан USAID халқаро ташкилоти («Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти», «Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш» ва бошқа лойиҳалар билан ҳамкорликда 1999-2000 йиллар мобайнида жаҳон талабларига жавоб берадиган янги Счётлар режасини ишлаб чиқиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар Режасига муваффақиятли ўтишни таъминлаш мақсадида ва янги счётлар Режасини кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги Счётлар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 30 мартдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 1 июнда 930-сон билан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» сифатида рўйхатдан ўтказилди, ҳамда 2002 йилнинг 1 январидан кучга киритилди.

Янги Счётлар режасининг асосий вазифаси — бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимини, раҳбарият томонидан муҳим қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган молиявий ҳисоботни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги ҳисоб негизида тайёрлайдиган тарзда мукамаллаштиришдан иборатдир.

Амалда бўлган (эски) Счётлар режасида ахборотлар бухгалтерия ҳисобининг счётларида етарли ҳажмда акс эттирилмас эди. Ушбу ахборот тақчиллиги бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлиши натижасида келиб чиқди, яъни амалда бўлган Счётлар режасида зарур ахборотлар тўпланиши мумкин бўлган счётлар назарда тутилмаган эди. Буларнинг ҳаммаси корхона кредит маблағларининг самарали тақсимланишини аниқлаш ва корхонанинг молиявий фаолиятини баҳолашни қийинлаштиради. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида янги Счётлар режасида қуйидагилар назарда тутилган: дебиторлик ва кредиторлик



қарзлари қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзларга ажратилган; «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счёти жорий этилган; асосий счётларга қўшимча счётлар очилган ва ҳоказо.

Қонунчилик ҳужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» янги таҳрирда тасдиқланди ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан 21-сонли БҲМС сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари 2002 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини янги счётлар режаси бўйича юритмоқдалар, 2003 йил 1 январдан бошлаб уларга биржалар қўшилди, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар эса янги счётлар режасига 2004 йил 1 январдан ўтишди.

Янги Счётлар режасига ва молиявий ҳисоботга ўтиш бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан мувофиқлигини, молиявий кўрсаткичларнинг хорижий мамлакатларда қўлланадиган айнан шундай кўрсаткичлар билан таққосланишини таъминлайди, ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини ватанимиз ва хорижий мутахассислар томонидан тушунилишидаги фарқларни тугатади, республикада бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончлилигини халқаро миқёсда тан олинishi корхоналарнинг молиявий ҳисоботига ишончни таъминлайди ва Республикага хорижий инвестицияларни жалб этишга имкон яратади.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бухгалтерия ҳисобининг қонунчилик ва меъёрий базасини умум тан олинган халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб қилди. Шу сабабли, янги счётлар режасига ўтиш — Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда қабул қилинган ҳисоб тизимига ўтиш йўлидаги изчил қадамдир.

## 2. ЯНГИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИГА ЎТИШ (КОНВЕРСИЯ)

Корхоналарнинг янги счётлар режасига ўтиш жараёни (конверсияси) бухгалтерия ҳисоби услубиётида катта ўзгаришларни тақозо қилади. Уни қисқа вақтда ва кам харажатлар билан бажариш учун ўзгартиришларнинг ишчи схемасини тузиб чиқиш зарур.

2004 йилнинг 1 январ ҳолати — конверсияни ўтказишнинг тавсия этилаётган муддатидир. 2003 йилнинг 31 декабри ҳолатига ҳисобот йили учун молиявий ҳисобот тузилади. Корхонанинг эски счётлар режасига мувофиқ ушбу санага тузилган баланс ва ўтган даврга оид молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботи мавжуд бўлиши лозим.

2004 йил 1 январдан бошлаб янги Счётлар режасига ўтишда янги счётлар бўйича активлар ва мажбуриятларнинг қолдиқлари, бухгалтерия ҳисоботи моддаларининг ҳисобот йили бошидаги кириш қолдиқлари сифатида фойдаланилади.

Конверсия жараёнига киришишдан олдин ўтиш жараёнини энгиллаштириш мақсадида катта тайёргарлик ишларини ўтказиш зарур. Қуйида ушбу жараённинг намунавий дастури илова қилинади.

1. Дастлабки ва энг асосий қадамлардан бири: корхона бухгалтерияси ходимлари янги счётлар режасини ўрганиш бўйича ўқув курсларида ўқишни ўташлари зарур.

2. Иккинчи қадам. Буйруқ билан конверсия бўйича масъул шахсни (камида бош бухгалтер ўринбосарини) тайинлаш зарур. У қуйида тақдим этилган дастурга кўра (корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тузатишларни ҳисобга олган ҳолда) ўз зиммасига барча тайёргарлик ишларини олиши лозим. Йирик корхоналарда конверсияни ўтказиш бўйича махсус таълимни ўқувни ўтаган мутахассисларни таклиф қилиш тавсия этилади.

3. Янги счётлар режасига ўтиш хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати (буйруқ, фармойиш ва ҳоказо) билан расмийлаштирилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган (474-сонли рўйхат, 1998 йил 14 август) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти

(1-сон БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»-нинг 50-бандига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш (у мавжуд бўлмаган тақдирда) ва тасдиқлаш зарур, унда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

- асосий воситалар ва номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллари;
- асосий фондларни қайта баҳолаш усуллари;
- товар-моддий захираларни баҳолаш усуллари;
- ўзига хос даромадлар ва харажатларни акс эттириш;
- захира (резерв)ларни ташкил қилиш сабаблари ва усуллари;
- инвестицияларни ҳисобга олиш усуллари;
- консолидация асослари;
- валюта курсидаги фарқларни молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш усуллари (валюта курсидаги фарқларни акс эттириш);
- ўтган давр хатоларини ва ҳисоб тамойилларидаги ўзгаришларни акс эттириш усули;
- номоддий активлар ва қимматли қоғозларни қайта баҳолашни акс эттириш усуллари;
- устама харажатларни тақсимлаш усуллари;
- маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархини калькуляциялаш усуллари;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархларини шакллантириш усули;
- харидорларга чегирмалар бериш ҳолатлари (турлари);
- ҳисобот даври тугагандан сўнг коммунал хизматлар ва шунга ўхшаш бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатлари кейин келиб тушадиган харажатларни акс эттириш;
- бошқа операциялар.

4. Хўжалик юритувчи субъект, у амалга ошираётган жорий, инвестицион ва молиявий фаолиятдан келиб чиқиб хўжалик операцияларининг таркибини белгилайди.

Сотишдан тушган тушум, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига мувофиқ ҳолда асосий фаолиятга ёки операцион даромад ва харажатларга олиб борилади. Ташкилотнинг ишлаб чиқариш таркиби аниқлаштирилади, ишлаб чиқариш турлари — асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар белгиланади, ҳисоб объектлари аниқланади.



Хўжалик юритувчи субъектдан олинган маълумотлар асосида бухгалтерия ҳисобининг участкалари: асосий воситалар; товар-моддий захираларни тайёрлаш ва уларни ишлатиш; ишлаб чиқариш харажатлари; тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни чиқариш ва сотиш; олинадиган счётлар; тўланадиган счётлар; молиявий натижаларни аниқлаш; солиқ солиш бўйича барча хўжалик операцияларнинг счётлар корреспонденцияси схемалари ишлаб чиқилади.

5. Ўтишнинг энг муҳим тадбирларидан бири — янги ишчи счётлар Режасини тасдиқлаш бўлиб, у кўзда тутилган счётлардан ташқари, мазкур корхонадаги ўзига хос операцияларни акс эттириш унун зарур (қулай) бўлган қўшимча счётларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Масалан, корхонада фойдаланиладиган асосий воситаларни қисқа муддатли ижарага берилганларидан ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бошқа субъектларда масъул сақлашда бўлган, гаров сифатида берилган ва бошқа шу каби қимматликлар учун алоҳида счётларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Зарурат туғилган ҳолларда 2840 «Чакана савдодаги тайёр маҳсулот» счётини (фирма дўконлари орқали ўз маҳсулотларини сотувчи ишлаб чиқариш корхоналари учун), комитентлар (комиссионерлар) билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётларни ва шу кабиларни жорий этиш ҳам тавсия этилади.

6. Корхона ҳисобини юритишда ҳисоблаш усулига тўлиқ ўтганлигига ишонч ҳосил қилиш тавсия этилади. Ҳисоблаш усули бўйича ҳисобни юритишда хўжалик фаолияти ҳодисалари (операциялари) ҳисобда пул тўловларининг амалга оширилиши ёки олинishi вақтида эмас, балки хўжалик фаолияти ҳодисалари пайдо бўлган вақтнинг ўзида акс эттирилади. Масалан, дивидендлар кўринишидаги даромадларни ҳисобда уларнинг тўланиши эълон қилинган вақтдан бошлаб акс эттириш зарур, тўланадиган дивидендлар эса балансда улар эълон қилинган пайтдан бошлаб, то тўланиш вақтига қадар акс эттирилиши лозим, фонизлар кўринишидаги даромадлар (харажатлар)ни, уларни олиш(тўлаш) жадвалига мувофиқ (тўлаш вақтидан қатъи назар) ҳисобда акс эттириш лозим, айнан шу нарса лизинг операцияларининг ҳисоби учун ҳам тааллуқлидир.

Субъектнинг барча мажбуриятлари ҳисобланганлиги-га ҳам ишонч ҳосил қилиш лозим; шунингдек, ушбу ҳол шартли (кўзда тутилмаган) ҳолатларга ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 октябрда 57-сон билан тасдиқланган (578-сонли рўйхат, 1998 йил 23 декабр) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (16-сон БҲМС) «Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган воқеалар ва кўзда тутилмаган ҳолатлар»га мувофиқ «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» — бу, молиявий натижалари фақатгина келгусида юз берадиган воқеалар натижасида ҳисобланадиган, бухгалтерия балансини тузиш санасида аниқланган вазиятлар тушунилади. Бундай вазиятлар молиявий ҳисоботда ҳисоблаш тамойили (принцип) га мувофиқ акс эттирилиши лозим.

Кўзда тутилмаган зарар суммаси молиявий ҳисоботларда мажбуриятлар сифатида акс эттирилиши лозим, қачонки:

— келгуси воқеалар натижаси ўлароқ, ҳар қандай рўй бериши мумкин бўлган қопланмаларнинг ҳисоб-китоблар учун қабул қилиниши натижасида активлар қийматининг камайиш эҳтимоли мавжуд бўлса, бухгалтерия балансини тузиш санасига ушбу қопланмалар мажбурият бўлиб ҳисобланади;

— келгусидаги зарарлар қиймати (баҳоси)ни аниқлаш имконияти мавжуд бўлса.

Бундай мажбуриятларга сотилган товарлар бўйича кафолатлар, даргумон дебиторлик қарзлари, натижаси салбий яқун топадиган суд жараёнлари ва шу каби воқеалар кирди.

Жуда кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнини тўхта-тиб қўйиш шароитида корхоналар амортизация ҳисоблашни (ва бошқа харажатларни акс эттиришни) тўхтатадилар. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришнинг тўхташи — харажатлар ҳисобини тўхтатиш учун сабаб бўлмайди, улар (харажатлар), масалан, амортизация, ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолати ва асосий воситаларнинг фойдаланилишидан қатъий назар мавжуддир.

Ҳисоблаш усулига мувофиқ акс эттирилмаган мажбуриятлар (активлар, даромадлар) мавжуд бўлса, уларни тuzатувчи проводкалар орқали ҳисобга олиш зарур бўлади.

7. Конверсияни бошлашдан олдин корхонада янги счётлар режасида айнан мавжуд бўлмаган счётлардан фойдаланилаётганлигини аниқлаш лозим ва уларга биринчи навбатда тўхтаб ўтиш керак; булар қуйидаги счётлардир:

— 12\* «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти

— 13 «Арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши» счёти

— 30 «Нокапитал ишлар» счёти

— 45 «Юклар жўнатилган товарлар» счёти.

Мазкур счётларни ёпиш бўйича тузатиш проводкаларини тузиш натижасида улар бўйича қолдиқ (сальдо) нолга тенг бўлиши керак.

8. Ҳар қандай корхонада янги Счётлар режаси асосида ҳисобни юритишга ўтиш каби бундай қайта қуришни баланснинг ҳар бир моддасини синчиклаб инвентаризация қилмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Корхона мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган (833-сонли рўйхат, 1999 йил 2 ноябр) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га мувофиқ ўтказиши лозим. Бунда мол-мулкнинг, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг, тўланган ва олинган бўнақларнинг, келгуси давр харажатлари ва даромадларининг, ҳамда қолдиқлари бошқа счётларга ўтказиладиган ёки Счётлар режасидан чиқариладиган счётлар бўйича юзага келган мажбуриятларнинг инвентаризациясига асосий эътибор қаратилиши зарур.

Ушбу ҳол, хусусан, инвентарлар ва хўжалик жиҳозларига, уларнинг эскиришига, келгуси давр харажатлари, олиннадиган счётлар, тўланадиган счётлар ва бошқа счётларга тааллуқлидир. Арзон буюмлар бўйича алоҳида инвентар рўйхатларини тузиш тавсия қилиниб, улар фойдали ишлатиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда асосий воситалар ёки товар-моддий захиралар таркибига ўтказилиши керак.

9. Эски счётларни ёпиш ва янги режа бўйича счётлар

---

\* Кейинги ўринларда икки хонали счёт тилга олинганда — эски Счётлар режасининг счётлари, тўрт хоналигида — янги Счётлар режаси счётлари назарда тутилади.



кўрсаткичларини шакллантириш учун илгари корхоналар қўлаган счётлар ва субсчётларнинг рўйхати тузилади. Мазкур рўйхат корхонанинг янги ишчи счётлар режаси билан таққосланади. Бундай таҳлил натижасида ёпилади-ган ва очиладиган счётлар жадвали тузилади. Ҳар бир счёт бўйича ўтиш санасига қолдиқлар аниқланади. Эски счётлар бўйича қолдиқларни ҳисобдан чиқариш ва уларни янги счётларга ўтказиш, тегишли бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади. Бунда қолдиқларни ўтказишнинг қуйидаги чизмалари мавжуд бўлиши мумкин:

**счётларни ажратиш.** Масалан, 31 «Келгуси давр харажатлари» счёти бўйича қолдиқлар, узоқ муддатли қисми бўйича — узоқ муддатли кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи янги счётларга (0950, 0960, 0990), жорий қисми бўйича — келгуси давр харажатларини (3100), ҳамда муддати кечиктирилган харажатларни (3200) ҳисобга олиш счётларига ўтказилади;

**счётларни бирлаштириш.** Масалан, 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти бўйича қолдиқлар янги 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётига ва ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатларини ҳисобга олиш счётларига ва бошқаларига ўтказилади;

**илгари амалда бўлган счётлар ўрнига янгиларини очиш.** Масалан, 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» счёти ўрнига асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9000) ва сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100), 47 «Асосий воситалар сотилиши ва бошқа чиқиб кетишлари» ва 48 «Бошқа активларнинг сотилиши» счётлари ўрнига асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар (9200) очилади ва бошқалар;

**янги счётларнинг очилиши.** Масалан, муддати кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3200), 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счёти очилади ва бошқалар.

Счётларни ёпишда, қолдиқларни ўтказишда ва хўжалик жараёнларини ҳисобга олишда амалиётда қуйидаги вазиятлар юзага келиши мумкин:

1. Счётнинг рақами ва номи ўзгаради. Эски счётдаги қолдиқлар янги рақам ва ном билан янги счётга ўтказилади.

2. Счёт бекор қилинади. Унда ҳисобга олинадиган активлар, мажбуриятлар ва ҳўжалик жараёнлари янги счётларга ўтказилади (1-илова).

Янги счётлар Режасига ўтиш ташкилотнинг бош бухгалтери ва ижрочи шахс томонидан имзоланган бухгалтерия маълумотномаси ёки шунга ўхшаш ҳўжжат билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳўжжат мазкур операцияларни ҳисобда акс эттириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Маълумотномада эски Счётлар режаси бўйича ёпиладиган счётлар ва янги Счётлар режаси бўйича очиладиган счётлар келтирилади.

Ўтиш жараёни тегишли бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади.

Актив счётлар бўйича қолдиқлар эски счётларнинг кредитига ва бир вақтнинг ўзида янги счётларнинг дебетига ёзилади. Пассив счётлар бўйича қолдиқлар эски счётларнинг дебетига ва мос равишда янги счётларнинг кредитига ёзилади.

Счётларнинг дебети ва кредити бўйича якуний сумма(қолдиқ)лар тенг бўлиши керак. Қолдиқлари мавжуд бўлмаган счётлар ёпилади. Бир вақтнинг ўзида қолдиқга эга бўлмаган тегишли янги счётлар очилади. Шундай қилиб ўтиш санасига счётлар бўйича бошланғич (чиқиб кетадиган) қолдиқлар аниқланади.

Янги счётлар Режасига ўтиш бўйича операцияларни қулай тарзда акс эттириш учун «Янги счётлар режасига ўтиш бўйича ҳўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида маълумотнома» жадвалини (2-илова) тузишни таклиф этамиз ва уни бухгалтерия маълумотномаси сифатида ишлатиш мумкин.

1 январдан бошлаб янги счётлар Режасига ўтилганда, янги счётлар бўйича қолдиқлар айна вақтда ўтиш санасига бухгалтерия ҳисоботининг тегишли моддалари бўйича кириш (бошланғич) қолдиқлари бўлиб ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларига асосан янги Счётлар режаси бўйича молиявий ҳисоботлар тузилади.

10. Навбатдаги қадам — ҳар бир счёт таҳлилини амалга ошириш ва қайта таснифлаш (реклассификация) бухгалтерия ёзувларини тузиш.

*Қайта таснифлаш — тузатувчи бухгалтерия ёзувларини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланган жорий синов баланс счётлари қолдигини янги Счётлар режаси бўйича тегишли счётларга ўтказишдир.* Баланснинг ҳар бир счёти бўйича қайта таснифлаш бухгалтерия ёзувлари тузилади. Бухгалтерия ёзувларини рақамлаш, ҳамда уларни қайта таснифлаш провоткаларининг махсус журналига қайд этиш зарур.

Мазкур журнал ахборотларни янги бухгалтерия счётларида аке этиришнинг қонуний асоси ҳисобланади ва у корхонада бошқа барча бухгалтерия ҳужжатлари каби сақланиши лозим.

11. Сўнгги қадам — айна шу ҳисобот даври учун балансни ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни янги Счётлар режаси асосида тузиб чиқиш, ҳамда унинг бошланғич ҳисоботлар билан айнан бир хил эканлигини текшириб чиқишдир.

### **Конверсиянинг батафсил режаси**

Қуйида конверсияни амалга оширишнинг батафсил, босқичма-босқич режаси таклиф қилинади.

Ҳисоб сиёсати тузилганидан ва счётлар ишчи режаси тасдиқланганидан сўнг тузатувчи бухгалтерия ёзувларини тузиб чиқишга ўтиш лозим.

### **Тузатувчи бухгалтерия ёзувларини тузиш**

Агар корхона ҳисоблаш усули бўйича ҳисобни юриштишга батамом ўтмаган бўлса, баланс моддаларини тузатиш зарур.

Масалан, агар фоизлар кўринишидаги даромад ҳисобга олинмаган бўлса, уларни қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали қайд қилиш зарур:

Дебет 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти

Дебет 80 «Фойда ва зарарлар» счётининг, «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар» субсчёти.

— фоизлар кўринишида харажат ҳисобланганда:

Дебет 80 «Фойда ва зарарлар» счётининг, «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар» субсчёти.



Кредит 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти;

Агар қайсидир харажатлар ҳисобланмаган бўлса, уларни ҳисоблаш зарур. Масалан:

— ижара бўйича харажатлар ҳисобланмаганда:

Дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (20, 23, 25, 26).

Кредит 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти;

— ижарадан олинган даромадлар ҳисобланмаганда қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга ошириш зарур:

Дебет 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти

Кредит 80 «Фойда ва зарарлар» счётининг, «Операцион даромадлар ва тушумлар» субсчёти.

Келгуси давр харажатлари сифатида ҳисобга олиниши керак бўлган харажатлар жорий харажатларга олиб борилган ҳолатлар учраши мумкин. Масалан, йиллик обуна суммаси хато равишда корхонанинг харажатларига олиб борилган бўлса, мазкур ҳолатда олдиндан тўлов счётини тикловчи ва жорий фойданинг тузатилишини акс эттирувчи бухгалтерия ёзуви тузилади:

Дебет 31 «Келгуси давр харажатлари» счёти

Кредит 80 «Фойда ва зарарлар» счёти, «Операцион даромадлар ва тушумлар» субсчёти.

83 «Келгуси давр даромадлари» счётида жорий даврга тааллуқли бўлмаган, айти келгуси давр даромадлари акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Агар ушбу счётда жорий ҳисобот йилига тааллуқли бўлган даромадлар мавжуд бўлса, уларни жорий йил даромадлари сифатида эътироф этиш ва тузатиш бухгалтерия ёзувлари орқали акс эттириш зарур:

Дебет 83 «Келгуси давр даромадлари» счёти

Кредит 80 «Фойда ва зарарлар» счётининг тегишли субсчёти.

Агар корхонада янги Счётлар режасида ўз аксини топмаган счётлардан фойдаланилаётган бўлса, уларга биринчи навбатда эътибор берилиши лозим.

Аввалом бор, бу ҳол 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётига тааллуқлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот

бўйича қонунчиликда «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» атамаси «инвентар ва хўжалик жиҳозлари» (ИХЖ) атамасига ўзгартирилган. Шу муносабат билан материалларни ҳисобга олиш счётлари гуруҳида янги 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти ўрнига пайдо бўлди. Янги Счётлар режасидан арзон ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга олувчи алоҳида счётлар гуруҳининг чиқариб ташланганлиги муносабати билан, уларни энди асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларга ёки бўлмаса, материалларни ҳисобга олувчи счётлар таркибига киритиш лозим.

Қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган буюмлар ИХЖ таркибига киритилади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан кўп бўлмаган;  
б) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар ҳар бир алоҳида бирлик (комплект) қиймати харид қилиш пайтида, Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдоригача бўлган буюмлар.

Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъий назар қуйидагилар инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига киритилади:

а) махсус инструмент ва мосламалар (муайян буюмларнинг серияли ва оммавий ишлаб чиқариши учун ёки яқка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли фойдаланишдаги инструмент ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

в) кўрпа-тўшаклар;

г) канцелярия буюмлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган буюмлар ва шу кабилар);

д) ошхона ва овқатланиш буюмлари, шунингдек дастурхон-сочиқлар;

е) вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, қурилмалар ва мосламалар, уларни ташкил қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, балиқ тутиш жиҳозлари, материаллар ва ҳоказо).

Шуни таъкидлаш жоизки, корхона раҳбари ҳисобот йили учун буюмларни инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олиш учун белгиланган қиймат чега-

расини (миқдорини) пасайтириш ҳуқуқига эгадир (масалан, энг кам иш ҳақининг 10, 20, 30 баравари миқдориди).

Хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўп бўлган, шунингдек юқорида келтирилган ИХЖ рўйхатиغا кирмаган предметлар асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади, ҳамда асосий воситаларни ҳисобга олувчи тегишли счётларда акс эттирилади. Корхоналар инвентарлар, инструментлар ва хўжалик жиҳозларини, тайинланиш мақсади ҳамда молия-хўжалик фаолиятидаги ўрнига қараб уларни ҳисобга олиш учун мустақил равишда алоҳида счётларни ҳам очишлари мумкин.

Агар корхонада ИХЖни ҳисобга олиш 12/1 «Захирадаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» ва 12/2 «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчётлари бўйича амалга оширилмаган бўлса, уларни ана шундай гуруҳларга ажратиш зарур. Бундан ташқари, конверсия мобайнида ИХЖ моддаси бўйича акс эттирилган барча активларни икки гуруҳга ажратиш тавсия қилинади:

1. «Асосий воситалар тоифасидаги» ИХЖлар;

2. «Материаллар тоифасидаги» ИХЖлар.

Ушбу активлар қуйидаги тарзда қайта тақсимланиши лозим:

1. «Асосий воситалар тоифаси»га тегишли бўлган, захирадаги ИХЖлар:

— баланс қиймати бўйича ўтказиш

Дебет 01 «Асосий воситалар (турлари бўйича)» счёти

Кредит 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг, «Захирадаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти.

2. Асосий воситалар тоифасига тегишли бўлган фойдаланишдаги ИХЖлар:

— баланс қиймати бўйича ўтказиш:

Дебет 01 «Асосий воситалар (турлари бўйича)» счёти

Кредит 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг, «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти;

— ҳисобланган амортизация суммасини ўтказиш.

Дебет 13 «Арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши» счёти.

Кредит 02 «Асосий воситаларнинг эскириши», «Хусусий (ўз) асосий воситаларининг эскириши» субсчёти.



3. Янги счётлар режасига ўтгунча «материаллар тоифаси»га тегишли захирадаги ИХЖлар 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг, «Захирадаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчётида қолади.

4. Фойдаланишга бериш пайтида қиймати тўлалигича харажатларга олиб бориладиган «материаллар тоифаси»га тегишли ИХЖлар Янги Счётлар режасига ўтгунча қолдиқ (баланс) қиймати бўйича 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг, «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчётида қолади.

«Материаллар тоифаси»га тегишли фойдаланишдаги ИХЖларнинг эскириш суммасини ёпиш зарур. Бунинг учун куйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш керак:

Дебет 13 «Арзон ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши» счёти

Кредит 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг, «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти.

**30 «Нокапитал ишлар» счётини** ҳам ёпиш лозим. Баланснинг мазкур моддаси бўйича акс эттирилган иншоотларнинг қайси тоифага (капитал ёки нокапитал тусдаги) тегишлилигига қараб ушбу счётнинг қолдиғи бўлинади.

Агар иншоотлар капитал тусда бўлса, счётнинг қолдиқлари куйидагича ўтказилиши мумкин:

— қурувчи ташкилотларда:

Дебет 08 «Капитал қўйилмалар» счёти

Кредит 30 «Нокапитал ишлар» счёти;

— пудратчи корхоналарда:

Дебет харажатлар ҳисоби счётлари (20, 23)

Кредит 30 «Нокапитал ишлар» счёти.

Агар **45 «Юклар жўнатишдан олинган товарлар» счётида** қолдиқ мавжуд бўлган тақдирда, ушбу счёт ҳам тузатилиши лозим. Бунинг учун куйидагилар аниқланиши зарур: мазкур модда бўйича акс эттирилган товарлар сотилгани ва мазкур товарларга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳозирги вақтда кимга тегишли.

Агар товар (маҳсулот)ларнинг эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва муқофотлар сотувчи зиммасида қолса (масалан, юклар жўнатиш «харидорнинг франко-омбори» шартлари бўйича амалга оширилганда), товар харидор-

нинг то омборигача етказиб берилмагунча сотувчи сотиш жараёнини акс эттирмаслиги керак. Зеро, у мазкур товарларни харидор зиммасига ўтказмагунча жавобгар ҳисобланади, шунинг учун ҳам бундай товарлар сотувчининг балансида акс этирилиши керак.

Агар товар (маҳсулот)ларнинг эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва мукофотлар сотувчи зиммасида қолса (масалан, юклар жўнатиш комиссия ёки консигнация шартномаси бўйича амалга оширилганда), комитент (консигнант) товарнинг комиссионер (консигнатор) омборидан сотилмагунча сотиш жараёнини акс эттирмаслиги керак. Зеро, сотувчи ушбу товарларни харидорга сотмагунча улар учун жавобгар бўлади, шунинг учун бундай товарлар сотувчи балансида акс этирилиши керак.

Шу муносабат билан, янги Счётлар режасига ўтишга қадар эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ риск ва мукофотлар сотувчида қоладиган товарлар суммалари 45 «Юклар жўнатилган товарлар» счётида акс этирилади.

Бошқа ҳолларда, қачонки эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча риск ва мукофотлар харидорга ўтказилганда (масалан, юклар жўнатиш «сотувчининг франко-омбори» шартлари бўйича амалга оширилганда), юклар жўнатилган товар энди сотувчига тегишли бўлмайди, шу сабабли сотишни акс эттириш ва қуйидаги проводкаларни амалга ошириш лозим:

— юклар жўнатилган товарлар қийматини ҳисобдан чиқариш:

Дебет 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш» счёти  
Кредит 45 «Юклар жўнатилган товарлар» счёти;

— сотишни акс эттириш:

Дебет 62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» счёти;

Кредит 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш» счёти;

— ҚҚСни ҳисоблашда (ҚҚС тўловчилар учун):

Дебет 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш» счёти

Кредит 68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» счёти;

— товарлар сотилишининг молиявий натижаларини аниқлашда:

— фойда:

Дебет 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш» счёти;

Кредит 80 «Фойда ва зарарлар» счётининг, «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан фойда (зарар)» субсчёти;

— зарар:

Дебет 80 «Фойда ва зарарлар» счётининг, «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан фойда (зарар)» субсчёти;

Кредит 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш» счёти.

**Эски счётлар Режасининг қуйидаги счётларида қолдиқлар қолмаслиги керак:**

25 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

26 «Давр харажатлари»

37 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш»

46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш»

47 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқиб кетиши»

48 «Бошқа активларнинг сотилиши».

80 «Фойда ва зарарлар»

81 «Ҳисобланган ва тўланган даромад (фойда) солиқлари».

### **3. СЧЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ҚАЙТА ТАСНИФЛАШ БУХГАЛТЕРИЯ ЁЗУВЛАРИНИ ТУЗИШ**

#### **3.1. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли қўйилмалар**

##### **01 «Асосий воситалар» счёти**

Конверсия бошланишидан олдин асосий воситалар қайта баҳоланишининг тўғри амалга оширилганлигини текшириб чиқиш зарур, чунки бунга амортизация ва мол-мулк солиғини ҳисоблаш, резерв капиталининг акс эттирилиши боғлиқ. Шунингдек, амортизацияни ҳисоблаш усуллариининг тўғри қўлланилганлигига ҳам ишонч ҳосил қилиш зарур.

01 «Асосий воситалар» счёти қолдиғини янги счётлар Режасига мувофиқ гуруҳларга ажратиш лозим. Асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳига Янги счётлар Режасининг тегишли счётлари — 0110-0199 мос келади, уларни ҳар бир гуруҳ қаршисига қўйиб чиқиш ва қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш лозим:



- Дебет 0110 «Ер» счёти
- Дебет 0111 «Ерни ободонлаштириш» счёти
- Дебет 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти
- Дебет 0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счёти
- Дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти
- Дебет 0140 «Мебел ва офис жиҳозлари» счёти
- Дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» счёти
- Дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти
- Дебет 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти
- Дебет 0180 «Кўп йиллик ўсимликлар» счёти
- Дебет 0190 «Бошқа асосий воситалар» счёти
- Дебет 0199 «Консервация қилинган асосий воситалар» счёти

**Кредит 01 «Асосий воситалар» счёти.**

Бунда шунини ҳисобга олиш керакки, 0110 счёт фақат, агар ер корхонага мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ҳоллардагина қўлланилади; субъектда ердан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолларда ушбу ҳуқуқлар номоддий активлар таркибида акс эттирилади. Ер участкасининг узоқ муддатли ижараси (асосий воситаларнинг ҳар қандай узоқ муддатли ижараси каби) 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебети бўйича акс эттирилади.

Шунингдек, узоқ муддатли ижарага олинган мулкнинг яхшиланиши (ободонлаштирилиши) ўша ижарага олинган мулкдан алоҳида — 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счётида акс эттирилишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

***03 «Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти***

03 «Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти бўйича қолдиқ янги счётлар Режаси таркибидаги шу каби 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётига ўказилади:

Дебет 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти

**Кредит 03 «Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти**

**02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти**

Худди 01 «Асосий воситалар» счётидаги каби тартибда 02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётининг «Хусусий асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти қолдигини ҳам янги счётлар Режасига мувофиқ равишда гуруҳларга ажратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхат олинган 21-сонли БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» га мувофиқ қуйидаги асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

- а) маҳсулдор ҳайвонлар;
- б) кутубхона фондлари;
- в) ҳокимиятларга бўйсунадиган ободонлаштириш иншоотлари;
- г) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган фондлар;
- д) музей бойликлари;
- е) архитектура ва санъат ёдгорликлари;
- ж) умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари;
- з) тўлиқ амортизация қилинган асосий воситалар.

Асосий воситаларнинг ҳар бир эскириш гуруҳига янги счётлар Режасида мувофиқ счёти мавжуд — 0211-0290. Ерга амортизация ҳисобланмаслиги сабабли ернинг эскириши счёти мавжуд эмас. Янги счётлар Режасининг тегишли счётини ҳар бир асосий воситалар гуруҳининг қаршисига қўйиш ва бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш лозим:

**Дебет 02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётининг «Хусусий асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти**

**Кредит 0211 «Ерни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти**

Кредит 0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти

Кредит 0220 «Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши» счёти

Кредит 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти

Кредит 0240 «Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши» счёти

Кредит 0250 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши» счёти

Кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти

Кредит 0270 «Ишчи ҳайвонларнинг эскириши» счёти

Кредит 0280 «Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши» счёти

Кредит 0290 «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши» счёти

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг ҳисобга олиб бориладиган эскиришини 02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётининг «Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши» субсчётидан янги счётлар Режасига ўтказишда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

**Дебет 02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётининг «Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти**

Кредит 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

#### **04 «Номоддий активлар» счёти ва 05 «Номоддий активларнинг эскириши» счёти**

Номоддий активларни инвентаризация қилиш жараёнида мазкур баланс моддаси бўйича акс эттирилган барча активларнинг номоддий активлар мезонларига жавоб беришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 октябрда 49-сон билан тасдиқланган (506-сонли рўйхат, 1998 йил 20 октябрь) 7-сонли БҲМС «Номоддий активлар»га биноан, номоддий активлар — ҳўжалик юритувчи субъект томонидан ҳўжалик фаолиятида ишлатиш ёки бошқариш учун назорат қилиб бориладиган, шунингдек узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) фойдаланиш учун мўлжалланган, моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаган мол-мулк объектларидир.



Демак, агар ушбу модда бўйича фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган активлар акс эттирилган бўлса, уларни номоддий активлар таркибидан чиқариш ва келгуси даврлар харажатлари ёки кечиктирилган харажатлар моддаси бўйича акс эттириш лозим.

Кўпинча хўжалик юритувчи субъектнинг балансида номоддий активнинг мавжудлиги юридик ҳуқуқлар билан бирга бўлиши сабабли, бу ҳуқуқларнинг ҳужжат билан расмийлаштирилган гувоҳномаларига эга бўлиш лозим.

04 «Номоддий активлар» счёти қолдигини янги счётлар Режасига мувофиқ равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим: патентлар, лицензиялар ва ноу-хау; савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари; дастурий таъминот; ер ва табиат ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари; ташкилий харажатлар; франчайз; муаллифлик ҳуқуқлари; гудвилл; бошқа номоддий активлар.

Янги счётлар Режасининг 0410-0490 счётларида номоддий активларнинг бошланғич қиймати акс эттирилади, бундан «Гудвилл (фирма баҳоси)» нинг қолдиқ қийматини ҳисобга олувчи 0480 «Гудвилл» счёти мустасно.

Номоддий активнинг амортизация ҳисобланадиган қиймати мунтазам асосда: унинг фойдали хизмат муддати давомида, лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан кўп бўлмаган даврда; фойдали ишлатиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолда 5 йил ҳисобида (лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан кўп бўлмаган даврда) тақсимланиши керак.

Эслатиб ўтамикки, «Гудвилл» (фирма баҳоси) номоддий активининг суммаси ҳар ойда унинг фойдали хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилади. «Гудвилл» (фирма баҳоси) суммасини ҳисобдан чиқариш бевосита амортизация счётини четлаб, харажатларни ҳисобга олишнинг тегишли счётлари билан корреспонденцияда «Гудвилл (фирма баҳоси)» номоддий активи счётининг қолдиғи камайтириб борилади, шу сабабли «Гудвилл амортизацияси» счёти мавжуд эмас.

«Гудвилл (фирма баҳоси)» суммасини ҳисобдан чиқариш даври, ундан фойдаланиш давомида корхонага бўлғуси иқтисодий фойдалар келиб тушиши кутилаётган даврнинг энг яхши баҳосини акс эттириши керак. «Гудвилл (фирма баҳоси)» номоддий активининг фойдали

хизмат муддати дастлаб тан олинган пайдан бошлаб 20 йилдан ошмаслиги керак (лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан кўп бўлмаслиги керак).

Молиявий ҳисоботда «Гудвилл (фирма баҳоси)» номоддий активнинг қиймати тегишли ҳисобот даврида қилинган ҳисобдан чиқаришларни чегирган қолда акс эттирилади.

Номоддий активларнинг ҳар бир гуруҳи учун янги Счётлар режасида ўзининг тегишли счёти — 0410-0490 мавжуд; уларни ҳар бир гуруҳ қаршисига қўйиб чиқиш ва ушбу бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш зарур:

Дебет 0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» счёти

Дебет 0420 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари» счёти

Дебет 0430 «Дастурий таъминот» счёти

Дебет 0440 «Ер ва табиат ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари» счёти

Дебет 0450 «Ташкилий харажатлар» счёти

Дебет 0460 «Франчайз» счёти

Дебет 0470 «Муаллифлик ҳуқуқлари» счёти

Дебет 0480 «Гудвилл» счёти

Дебет 0490 «Бошқа номоддий активлар» счёти

**Кредит 04 «Номоддий активлар» счёти**

Худди ана шу тартибда 05 «Номоддий активларнинг эскириши» счёти қолдигини ҳам тақсимлаш ва уни қуйидаги счётларга ўтказиш лозим:

Дебет 05 «Номоддий активларнинг эскириши» счёти

Кредит 0510 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси» счёти

Кредит 0520 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси» счёти

Кредит 0530 «Дастурий таъминотнинг амортизацияси» счёти

Кредит 0540 «Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси» счёти

Кредит 0550 «Ташкилий харажатларнинг амортизацияси» счёти

Кредит 0560 «Франчайзнинг амортизацияси» счёти

Кредит 0570 «Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси» счёти

Кредит 0590 «Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси» счёти

**06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» счёти**

Узоқ муддатли инвестициялар жорий инвестициялардан алоҳида акс эттирилади. Булар, асосан, узоқ (бир йилдан ортиқ бўлган) муддатга сотиб олинган қимматли қоғозлардир. Янги счётлар Режасида улар қуйидаги бўлинишда ифодаланган: қимматли қоғозлар, шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар, қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга инвестициялар, бошқа узоқ муддатли инвестициялар.

Эслатиб ўтамиз, Фуқаролик кодексига мувофиқ:

*«Агар бир (асосий) хўжалик фаолияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида, ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли, ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади».*

*«Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам (тобе) жамият ҳисобланади». У уюшган жамият деб ҳам аталади.*

Яъни, корхонанинг шўъба корхона деб ҳисобланиши учун унда бош жамиятнинг юз фоизлик иштироки шарт эмас.

06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» счёти қолдигини юқорида санаб ўтилган гуруҳларга ажратиш, ҳар бир гуруҳнинг рўпарасига янги счётларни қўйиб чиқиш ва бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш лозим:

Дебет 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти

Дебет 0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти

Дебет 0630 «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти

Дебет 0640 «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар» счёти



Дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти

**Кредит 06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» счёти**

**07 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счёти**

07 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётининг таҳлили чоғида мазкур счётда фақат капитал қўйилмалар бўйича қуриладиган (реконструкция қилинадиган) объектларда монтажни талаб қилувчи ва ўрнатиш учун мўлжалланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқаришга оид асбоб-ускуналарнинг (устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар билан биргаликда) ҳисоби юритилишини ҳисобга олиш лозим.

07 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётида «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий» ва «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий» субсчётлари мавжуд.

Агар мазкур счётга корхона томонидан юқорида баён қилинган асбоб-ускуна бўлиб ҳисобланмайдиган моддий қийматликлар нотўғри киритиб қўйилган бўлса, унда улар 08 «Капитал қўйилмалар» счётига ёки 10 «Материаллар» счётига ўтказилиши керак.

07 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счёти бўйича қолдиқларни ўтказиш қийинчилик келтириб чиқармайди, чунки янги счётлар Режасининг 0710 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий» ва 0720 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий» счётлари унинг айнан ўхшаши бўлиб ҳисобланади.

Қайта таснифлаш бухгалтерия ёзувлари:

Дебет 0710 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий» счёти

**Кредит 07 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётининг «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий» субсчёти**

Дебет 0720 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий» счёти

**Кредит 07 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётининг «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий» субсчёти.**

**08 «Капитал қўйилмалар» счёти**

08 «Капитал қўйилмалар» счётида илгари ҳисобга олинган капитал қўйилмалар энди қуйидаги гуруҳларга

ажратилади: тугалланмаган қурилиш, асосий воситаларни харид қилиш, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил қилиш, ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар, узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар, бошқа капитал қўйилмалар.

Харажатларни капитал харажатлар таркибига киришиш пайтида бундай харажатлар объектнинг дастлабки қийматини оширишига ва бўлгуси иқтисодий фойданинг қўпайишига имкон яратишига ишонч ҳосил қилиш керак.

08 «Капитал қўйилмалар» счётининг асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш қисми бўйича қолдиқнинг мавжудлиги эътиборни жалб қилувчи ҳолат ҳисобланади: бунда кейинчалик асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларига ўтказилган капитал қўйилмалар суммаларининг асосли эканлигини аниқлаш муҳимдир.

08 «Капитал қўйилмалар» счёти қолдиғини юқорида санаб ўтилган гуруҳларга ажратиш ва янги счётларни ҳар бир гуруҳ рўпарасига қўйиб чиқиш, ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш зарур:

Дебет 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счёти

Дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти

Дебет 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» счёти

Дебет 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счёти

Дебет 0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счёти

Дебет 0860 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти

Дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар» счёти

**Кредит 08 «Капитал қўйилмалар» счёти**

### **09 «Келиб тушадиган ижара мажбуриятлари» счёти**

Мазкур счётда ижарага берувчи (лизингга берувчи) корхона, узоқ муддатли ижара (лизинг) шартларига мувофиқ берилган асосий воситалар бўйича ижарачиларнинг дебиторлик қарзларини ҳисобга олади.

09 «Келиб тушадиган ижара мажбуриятлари» счётининг қолдиғини икки таркибий қисмга — жорий ва узоқ муддатли қисмларга ажратиш ва уни қуйидаги тарзда янги счётларга ўтказиш зарур:

Дебет 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинаниган жорий тўловлар» счёти (жорий қисми)

Дебет 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинаниган тўловлар» счёти (узоқ муддатли қисми)

**Кредит 09 «Келиб тушадиган ижара мажбуриятлари» счёти.**

### 3.2. Ишлаб чиқариш захиралари

#### 10 «Материаллар» счёти

Конверсиядан олдин баланснинг мазкур моддаси бўйича акс эттирилган барча материал қийматликларнинг ҳақиқатда мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. 10 счёт қолдиғини, янги счётлар Режасига мувофиқ товар-моддий қийматликларни (ТМК) тоифаларга ажратиш ва тегишли қолдиқни янги счётларга ўтказиш лозим:

Дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти

Дебет 1020 «Сотиб олинаниган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар» счёти

Дебет 1030 «Ёқилғилар» счёти

Дебет 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти

Дебет 1050 «Қурилиш материаллари» счёти

Дебет 1060 «Идиш ва идишбоп материаллар» счёти

Дебет 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счёти

Дебет 1090 «Бошқа материаллар» счёти

**Кредит 10 «Материаллар» счёти.**

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтамик, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари (улар идиш қийматини товарларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттиради) фаолиятнинг барча турларини амалга оширувчи корхоналарда 1060 счётда фақат асосий воситалар аломатларига жавоб бермайдиган идишларгина акс эттирилади.

#### 11 «Ўстиришдаги ва бўрдоқдаги ҳайвонлар» счёти

11 «Ўстиришдаги ва бўрдоқдаги ҳайвонлар» счётининг эквиваленти бўлиб янги счётлар Режасидаги қуйидаги счётлардир:

1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар»

1120 «Бўрдоқдаги ҳайвонлар»



11 «Ўстиришдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар» счётининг қолдиғи янги счётлар Режасига мувофиқ ўстиришдаги ҳайвонлар ва бўрдоқидаги ҳайвонлар гуруҳларига ажратилади ва қуйидаги счётларга ўтказилади:

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти

Дебет 1120 «Бўрдоқидаги ҳайвонлар» счёти

**Кредит 11 «Ўстиришдаги ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар»**

### *12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти*

Материаллар тоифасига киритиладиган захирадаги ИХЖ янги счётлар Режасида 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида юритилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти

**Кредит 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг «Захирадаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти**

Фойдаланишга ўтказиш пайтида қиймати тўлалигича харажатларга олиб борилиб ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган материаллар тоифасига кирувчи фойдаланишдаги ИХЖ, янги счётлар Режасига конверция (ўтказиш) вақтида, қолдиқ (баланс) қиймати бўйича 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счётининг «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчётидан харажатларни ҳисобга олувчи счётларга ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

Дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2300, 2500, 2700, 9400 ва б.)

**Кредит 12 «Арзон ва тез эскирувчан буюмлар» счётининг «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар» субсчёти**

Бир вақтнинг ўзида фойдаланишда бўлган ИХЖ сақланишини назорат қилиш мақсадида балансдан ташқари счётда бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

Дебет 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти — ИХЖни балансдан ташқари ҳисобга ўтказиш.

Шуни яна бир марта таъкидлаш лозимки, фойдаланишда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари 1000 счётларда ҳисобга олинмайди, балки 014 балансдан ташқари счётда акс эттирилади.

Агар ИХЖ бир йилдан кўп фойдали хизмат муддати-га эга бўлса, яъни харажатларни бир неча ҳисобот даври-га бўлиш имконияти мавжуд бўлса, корхона ИХЖ қий-матини кечиктирилган харажатларга киритиши ва уларни харажатларга бир маромда тақсимлаши мумкин. Ушбу операциялар қуйидаги тарзда акс эттирилади:

— кечиктирилган харажатларга ўтказиш

Дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти

**Кредит 12 «Арзон ва тез эскирувчи буюмлар» счёти-нинг «Фойдаланишдаги арзон ва тез эскирувчи буюмлар субсчёти**

— харажатлар таркибига киритиш:

Дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2300, 2500, 2700, 9400 ва б.)

Кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти

#### ***14 «Материал қийматликларни қайта баҳолаш» счёти***

Бунда шуни қайд этиш лозимки, бухгалтерия ҳисо-бининг тамойиллари нуқтаи назаридан қараганда, мате-риал қийматликларни қайта баҳолаш — йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда 44-сон билан тасдиқлан-ган (Адлия вазирлигида 1998 йил 28 августда 486-сон билан давлат рўйхатига олинган) 4-сонли БХМС «Товар-мод-дий захиралари»га кўра товар-моддий захиралар икки хил баҳолашнинг энг пасти бўйича — ҳақиқий таннархи (ха-рид қилиш баҳоси ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси (соф сотиш қиймати) бўйича баҳоланади.

Агар корхона илгари материал қийматликлар бўйича қайта баҳолашни амалга оширган бўлса ва 14 «Материал қийматликларни қайта баҳолаш» счётида қолдиқ мавжуд бўлса, мазкур қолдиқни кечиктирилган даромад ёки харажатларга ўтказиш зарур:

— товар-материал қийматликларнинг қайта баҳолаш суммасини ўтказиш:

а) баҳосининг ўсиши

**Дебет 14 «Материал қийматликларни қайта баҳолаш» счёти**

**Кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;**

б) баҳосининг пасайиши

Дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти

**Кредит 14 «Материал қийматликларни қайта баҳолаш» счёти**

*15 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти ва*

*16 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти*

15 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг эквиваленти янги счётлар Режасида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти ва 16 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётиники эса 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти ҳисобланади.

Қолдиқларни ўтказиш қуйидагича амалга оширилади:

Дебет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти

**Кредит 15 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти**

Дебет 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти

**Кредит 16 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти**

*19 «Харид қилинган материал қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи» счёти*

19 «Харид қилинган материал қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи» счётида қолдиқ фақат, агар корхонада комиссия ёки консигнация шартномаси бўйича келиб тушган ва шу кунгача сотилмаган материал қийматликларнинг қолдиқлари мавжуд бўлган ҳоллардагина бўлиши мумкин. Мазкур ҳолларда уларни 4400 «Бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига алоҳида счёт киритиш тавсия этилади; масалан: 4411 «Консигнация шартномаси бўйича келиб тушган товар-материал қийматликлар бўйича ҚҚС» счётини жорий қилиш мумкин. Натижада қолдиқни қуйидагича ўтказиш лозим:

Дебет 4411 «Консигнация шартномаси бўйича келиб тушган товар-материал қийматликлар бўйича ҚҚС» счёти

**Кредит 19 «Харид қилинган материал қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи» счёти**



### 3.3. Ишлаб чиқариш харажатлари

- 20 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти,
- 21 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счёти,
- 23 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти,
- 28 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счёти

Инвентаризациядан сўнг тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасини акс эттирувчи мазкур счётларнинг қолдиғи янги счётлар Режасидаги бир хил номдаги счётларга ўтказилади:

- Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти
- Кредит 20 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти;
- Дебет 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счёти
- Кредит 21 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар» счёти;
- Дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти
- Кредит 23 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти;
- Дебет 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счёти
- Кредит 28 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар» счёти

#### 29 «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» счёти

- 29 «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» счёти қолдиғи фақат тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлган ҳоллардагина қолдиқга эга бўлади ва у 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётига ўтказилади:
- Дебет 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти
- Кредит 29 «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» счёти.

#### 31 «Келгуси давр харажатлари» счёти

31 «Келгуси давр харажатлари» счётининг қолдиқларини ўтказиш қийинчилик келтириб чиқармайди, чунки янги счётлар Режасида унинг айнан ўхшаши мавжуд.

31 «Келгуси давр харажатлари» счётининг қолдиғини янги счётлар Режасига мувофиқ қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим:

- олдиндан тўланган ижара ҳақи
- олдиндан тўланган хизматлар ҳақи;
- бошқа келгуси давр харажатлари

31 «Келгуси давр харажатлари» счётидаги қолдиқ янги счётлар Режасининг 3110-3190 счётларига ўтказилади:

Дебет 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» счёти

Дебет 3120 «Олдиндан тўланган хизматлар ҳақи» счёти

Дебет 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счёти

**Кредит 31 «Келгуси давр харажатлари» счёти.**

Яна бир марта аниқлик киритиш лозимки, 3100 счётларда олдиндан тўланган харажатлар (хизматлар) акс эттирилади, айти вақтда бўнақлар счётларида (4300) материал қийматликлар учун олдиндан тўловлар акс эттирилади.

### 3.4. Тайёр маҳсулотлар, товарлар ва сотиш

#### 40 «Тайёр маҳсулотлар» счёти

40 «Тайёр маҳсулотлар» счётининг қолдиғини янги счётлар Режасига мувофиқ қуйидаги гуруҳларга ажратиш зарур: омбордаги тайёр маҳсулотлар, кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар, комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар.

Гаров буюми сифатида, масъул сақлаш учун берилган, шунингдек ўзининг чакана тармоғида бўлган тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш бўйича қўшимча счётларнинг жорий этилиши ҳам (зарурат туғилган ҳолларда) тавсия қилинади.

Ҳар бир гуруҳнинг қаршисига янги счётларни қўйиб чиққан ҳолда қолдиқни қуйидаги тарзда ўтказамиз:

Дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Дебет 2820 «Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар» счёти

Дебет 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» счёти

**Кредит 40 «Тайёр маҳсулотлар» счёти.**

Агар комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар 45 «Юклар жўнатилган товарлар» счётининг «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» субсчётида ҳисобга олинган бўлса, у ҳолда қолдиқни ўтказиш қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Дебет 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» счёти

**Кредит 45 «Юклар жўнатилган товарлар» счётининг  
«Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар» субсчёти**

**41 «Товарлар» счёти ва**

**42 «Савдо устамаси» счёти**

41 «Товарлар» счётининг қолдиғини янги счётлар Ре-  
жасига мувофиқ, қуйидаги гуруҳларга ажратиш зарур:  
омбордаги товарлар, чакана савдодаги товарлар, кўргаз-  
мадаги товарлар, прокатдаги буюмлар, товарлар билан  
банд ва бўш идишлар, комиссияга берилган товарлар,  
йўлдаги товарлар, бошқа товарлар.

Ҳар бир гуруҳ рўпарасига янги счётларни қўйиб чиқ-  
қан ҳолда қолдиқни қуйидаги тарзда ўтказамиз:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счёти

Дебет 2930 «Кўргазмадаги товарлар» счёти

Дебет 2940 «Прокатдаги буюмлар» счёти

Дебет 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар»

счёти

Дебет 2960 «Комиссияга берилган товарлар» счёти

Дебет 2970 «Йўлдаги товарлар» счёти

Дебет 2990 «Бошқа товарлар» счёти

**Кредит 41 «Товарлар» счёти.**

Агар товарларни ҳисобга олиш сотиш баҳолари бўйи-  
ча юритилаётган бўлса, у ҳолда 42 «Савдо устамаси» счёти  
ёпилиши лозим ва унинг қолдиғи 2980 «Савдо устамаси»  
счётига ўтказиш бўйича қўшимча ёзув амалга оширилади:

**Дебет 42 «Савдо устамаси» счёти**

Кредит 2980 «Савдо устамаси» счёти

Эслатиб ўтамизки, 2980 «Савдо устамаси» счёти  
контр-актив счёт (пассив эмас) ҳисобланади, бироқ, худди  
пассив счётлардагидек, айланмаларнинг кўпайиши ва  
қолдиқ унинг кредити бўйича акс эттирилади.

Гаров буюми сифатида ёки маъсул сақлаш учун бе-  
рилган товарларни ҳисобга олиш бўйича қўшимча счёт-  
ларнинг жорий этилишини (зарурат туғилган ҳолларда)  
тавсия қилиш мумкин.

Агар комиссияга берилган товарлар 45 «Юклар жўна-  
тилган товарлар» счётининг «Комиссияга берилган товар-  
лар» субсчётида ҳисобга олинган бўлса, у ҳолда қолдиқни  
ўтказиш тарзда акс эттирилади:



Дебет 2960 «Комиссияга берилган товарлар» счёти  
**Кредит 45 «Юклаб жўнатилган товарлар» счётининг  
«Комиссияга берилган товарлар» субсчёти.**

### 3.5. Пул маблағлари

#### 50 «Касса» счёти

50 «Касса» счёти бўйича қолдиқ ҳамма корхоналарда ҳам бўлавермайди, шу боис унинг мавжуд бўлиши алоҳида эътиборни талаб қилади. Конверсиядан олдин, мазкур ҳолатда бир қатор саволларга жавоб бериш зарур: пулларнинг барча суммаси кирим касса ордерлари билан асосланганми; кассада қайси сабабларга кўра қолдиқ мавжуд; кассадаги нақд пулларнинг сақланиши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга роя қилинганми; нақд пул маблағларининг лимитига амал қилинганми.

Аҳвол таҳлил қилиб бўлинганидан кейин, «Касса» счётининг қолдиғини 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счётларига ўтказиш лозим:

Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти

Дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти

**Кредит 50 «Касса» счёти**

#### 51 «Ҳисоб-китоб счёти»

Банк кўчирмалари билан солиштирилгандан сўнг 51 «Ҳисоб-китоб счёти» счётининг қолдиғи янги счётлар Режасидаги худди шу номдаги 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» га ўтказилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

**Кредит 51 «Ҳисоб-китоб счёти»**

#### 52 «Валюта счёти»

Валюта маблағлари 52 «Валюта счёти» нинг «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва «Чет элдаги валюта счётлари» субсчётларида ҳисобга олинади.

Банк кўчирмалари билан солиштирилгандан сўнг, 52 «Валюта счёти» нинг «Мамлакат ичидаги валюта счётла-

ри» субсчёти қолдиғи янги счётлар Режасининг худди шу номдаги 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счётига ўтказилади:

Дебет 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти  
**Кредит 52 «Валюта счёти» счётининг «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» субсчёти.**

Агар хорижда валюта счётлари мавжуд бўлса, 52 «Валюта счёти» нинг «Чет элдаги валюта счётлари» субсчётидаги сумма янги счётлар Режасининг шу номдаги 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» счётига ўтказилади:

Дебет 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» счёти  
**Кредит 52 «Валюта счёти» счётининг «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» субсчёти.**

### *55 «Банклардаги махсус счётлар»*

55 «Банклардаги махсус счётлар» счёти янги счётлар Режасида айнан ўхшашига (5500 счётлар гуруҳига) эгадир. 55 «Банклардаги махсус счётлар» счётининг қолдиғи қуйидаги тарзда: аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа махсус счётларга гуруҳлаштирилиши ва янги счётлар Режаси счётларига ўтказилиши лозим:

Дебет 5510 «Аккредитивлар» счёти  
Дебет 5520 «Чек дафтарчалари» счёти  
Дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти  
**Кредит 55 «Банклардаги махсус счётлар» счёти.**

### *56 «Пулли ҳужжатлар» счёти*

56 «Пулли ҳужжатлар» счётидаги қолдиқдан, агарда мавжуд бўлса сотиб олинган ўз акцияларининг қиймати суммаларини ажратиб кўрсатиш лозим ва улар 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счётларига ўтказилиши керак, қолдиқнинг қолган қисми эса (маркалар, йўлланмалар ва бошқалар) 5610 «Пул эквивалентлари» счётига ўтказилиши лозим:

Дебет 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» счёти  
Дебет 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счёти  
Дебет 5610 «Пул эквивалентлари» счёти

**Кредит 56 «Пулли ҳужжатлар» счёти.**

Эслатиб ўтамизки, 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счётлар контр-пассив (актив эмас) счётлар бўлиб ҳисобланади, бироқ актив счётлардаги каби айланмаларнинг кўпайиши ва қолдиқ уларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

**57 «Йўлдаги юборилган пуллар (ўтказмалар)» счёти**

57 «Йўлдаги юборилган пуллар (ўтказмалар)» счётининг қолдиғи 5710 «Йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалар)» счётига ўтказилади:

Дебет 5710 «Йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалар)» счёти

**Кредит 57 «Йўлдаги юборилган пуллар (ўтказмалар)» счёти**

**58 «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счёти**

58 «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счётида илгари қайд этилган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар энди қўйидаги гуруҳларга бўлинади: қимматли қоғозлар, берилган қисқа муддатли қарзлар, бошқа жорий инвестициялар.

58 «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счётининг қолдиғини ушбу гуруҳларга ажратиш ва қўйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш лозим:

Дебет 5810 «Қимматли қоғозлар» счёти

Дебет 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счёти

Дебет 5890 «Бошқа жорий инвестициялар» счёти

**Кредит 58 «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» счёти**

### 3.6. Ҳисоб-китоблар

**60 «Мол отказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Агар счётнинг дебет ва кредит қолдиғи бир-бири билан қопланган (свернутое сальдо) бўлса, уларни дебет ва кредит қисмларига ажратиш лозим. Мазкур счётнинг дебети бўйича бўнак тўловларининг акс эттирилганлигига



ишонч ҳосил қилиш ва дебет қолдиғини янги счётларга қуйидаги тарзда ўтказиш лозим бўлади:

— агар мазкур бўнак тўловларини келгуси давр харажатлари сифатида таснифлаш мумкин бўлса (яъни, агар келгуси давр харажатлари ва хизматларининг олдиндан тўланиши амалга оширилган бўлса):

Дебет 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» счёти

Дебет 3120 «Олдиндан тўланган хизматлар ҳақи» счёти

Дебет 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счёти

**Кредит 60 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти;**

— агар қолдиқ ўз ичига турли активларни етказиб бериш учун бўнак тўловларини олган бўлса:

Дебет 4310 «ТМҚ лар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти

Дебет 4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти

Дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти

**Кредит 60 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти;**

— агар узоқ муддатли олдиндан тўловлар (яъни, бир йилдан ортиқ бўлган муддатга) мавжуд бўлса:

Дебет 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар» счёти

**Кредит 60 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти.**

Мазкур счётнинг кредит қолдиғи корхонанинг етказиб берилган товарлар ва хизматлар учун қарзларини ўзида акс эттиради ва улар янги счётлар Режасининг 6010 (жорий қисм), ҳамда 7010 (узоқ муддатли қисми) — счётларига ўтказилади:

Дебет 60 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

Кредит 7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

**61 «Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

61 «Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счётида қайд этиладиган, мол етказиб берувчилар ва пудрат-

чиларга берилган бўнақлар суммаларини янги счётлар ре-  
жасига мувофиқ гуруҳларга ажратиш зарур ва жорий қис-  
мини — 4300 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга  
берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар» гуруҳига,  
узоқ муддатли қисмини эса — 0940 «Бошқа узоқ муддат-  
ли дебитор қарзлар» счётига ўтказиш лозим. Қолаверса,  
жорий бўнақларни товар-материал қийматликлар учун  
бўнақлар, узоқ муддатли активлар учун бўнақлар, шу-  
нингдек бошқа бўнақларга (масалан, қисқа муддатли  
қимматли қоғозлар, йўлланмалар, меҳнат дафтарчалари  
ва бошқаларни харид қилиш учун бўнақларга ажратиш  
лозим бўлади:

Дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар  
ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти

Дебет 4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол ет-  
казиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти

Дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти

Дебет 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар»  
счёти

Кредит 61 «Берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоб-  
лар» счёти

#### *62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб- китоблар» счёти*

Агарда счётнинг дебет ва кредит қолдиғи бир-бири  
билан қопланган (свернутое сальдо) бўлса, у ҳолда қол-  
диқни дебет ва кредит қисмларига ажратиш зарур. Мазкур  
счётнинг кредити бўйича харидорларнинг бўнақ тўловлари  
акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур ва кредит  
қолдиғини қуйидаги тарзда янги счётларга ўтказиш лозим:

— жорий тусдаги бўнақлар:

Дебет 62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-  
китоблар» счёти

Кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олин-  
ган бўнақлар» счёти

Кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти;

— агар узоқ муддатли олдиндан тўловлар мавжуд бўлса:

Дебет 62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-  
китоблар» счёти

Кредит 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олин-  
ган бўнақлар» счёти

Агар 62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» счётида ҳисобот даврида олинган, бироқ келгуси ҳисобот даврига тегишли бўлган даромадлар акс эттирилган бўлса, қолдиқни кечиктирилган даромадлар счётига ўтказиш зарур:

**Дебет 62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти.

Янги счётлар Режасини қўллаш бўйича Йўриқномага биноан ижара, чипталар, журналларга оид обуна ва бошқалар учун олдиндан олинган тўлиқ тўловлар кечиктирилган даромадлар ҳисобланиши мумкин.

Мазкур счётнинг дебет қолдиғи корхонага харидорлар ва буюртмачиларнинг етказиб берилган товарлар ва хизматлар учун қарзларини акс эттиради ва уларнинг жорий қисми 4010 счётга, узоқ муддатли қисми 0940 счётга ўтказилади:

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти

Дебет 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар» счёти

**Кредит 62 «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» счёти.**

### **63 «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Мазкур счёт бўйича мавжуд дебет қолдиғини 4860 «Даъволар бўйича олинadиган счётлар» актив счётига, кредит қолдиғини эса — 6960 «Даъволар бўйича тўланadиган счётлар» пассив счётига ўтказиш лозим:

— дебет қолдиғининг ёпилиши

Дебет 4860 «Даъволар бўйича олинadиган счётлар» счёти

**Кредит 63 «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

— кредит қолдиғининг ёпилиши

**Дебет 63 «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6960 «Даъволар бўйича тўланadиган счётлар» счёти

Маълум бир сабабларга кўра қондирилиши мумкин бўлмаган даъволарни улар ҳисобга қабул қилинган счётларда акс эттириш лозим. Даъво қилиш муддати тугаган олинadиган даъволарни конверсия бошланишидан олдин



зарарларга (тўланадиган даъволарни эса — даромадга) киритиш лозим.

#### **64 «Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

64 «Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг кредити бўйича акс эттирилган олинган бўнақлар суммасининг жорий қисмини 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётига ва узоқ муддатли қисмини 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётига ўтказиш зарур:

**Дебет 64 «Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти

Кредит 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти

Агар 64 «Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счётида ҳисобот даврида олинган, бироқ келгуси ҳисобот даврига тегишли даромадлар акс эттирилган бўлса (масалан, бинонинг ижара ҳақи бир йил олдиндан тўланган ёки товарнинг етказиб берилиши учун, келгусидаги ишлар ёки хизматлар учун олдиндан юз фоиз тўловлар олинган бўлса) қолдиқни кечиктирилган даромадлар счёти таркибига ўтказиш зарур:

**Дебет 64 «Олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти

#### **65 «Мулк ва шахсий суғурталар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Агар счётнинг дебет ва кредит қолдиғи бир-бири билан қопланган бўлса, уни дебет ва кредит қисмларига ажратиш зарур. Ушбу счёт дебетда суғурта бўйича олдиндан тўланган сумма акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур ва дебет қолдиғини қуйидаги тарзда ўтказиш лозим (агар мавжуд бўлса — жорий ва узоқ муддатли қисмларини ажратиб кўрсатган ҳолда):

Дебет 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи» счёти

Дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти

**Кредит 65 «Мулк ва шахсий суғурталар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.**

Суғурта бўйича ҳисобланган тўловларни акс эттирувчи мазкур счётнинг кредит қолдиғи 6510 «Суғурта бўйича тўловлар» счётига ўтказилади:

**Дебет 65 «Мулк ва шахсий суғурталар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6510 «Суғурта бўйича тўловлар» счёти.

**67 «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти ва**

**69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Счётларни ёпишдан олдин қолдиқни қуйидаги тўлов турлари бўйича ажратиш зарур: Пенсия жамғармасига, Бандликка қўмаклашиш жамғармасига, Йўл жамғармасига, шунингдек Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига тўловлар. Ана шундай аналитик тарзда янги счётлар Режасидаги ушбу счётларнинг айнан ўхшаши — 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти ҳам ифодаланиши керак.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга ва ижтимоий суғурта тўловлари бўйича қарзларни акс эттирувчи мазкур счётларнинг (аналитик бўлинишида) кредит қолдиғи 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счётига ўтказилади:

**Дебет 67 «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

**Дебет 69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти.

Агар мазкур тўловлар бўйича ортиқча тўлашлар юз берган бўлса (бўнак тўловлари ҳисобланган тўловлардан ортиқча бўлса), яъни ушбу счётларда дебет қолдиғи бўлса, уни актив сифатида акс эттириш лозим:

**Дебет 4520 «Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари» счёти**

**Кредит 67 «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

**Кредит 69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.**

Тиббий суғурта бўйича ҳисобланган тўловларни акс эттирувчи 69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг «Тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» субсчёти бўйича кредит қолдиги 6510 «Суғурта бўйича тўловлар» счётига ўтказилади.

**Дебет 69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг «Тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» субсчёти**

Кредит 6510 «Суғурта бўйича тўловлар» счёти.

Агар мазкур тўлов бўйича ортиқча тўлов мавжуд бўлса (бўнак тўловлари ҳисобланган тўловдан ошса), яъни ушбу счётда дебет қолдиги бўлса, уни актив сифатида акс эттириш керак:

Дебет 4510 «Суғурталар бўйича бўнак тўловлари» счёти

**Кредит 69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг «Тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» субсчёти**

Агар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли ҳукумат органларининг қарорига кўра мақсадли давлат жамғармалари олдида ва ижтимоий суғурта тўловлари бўйича кечиктирилган қарзлар мавжуд бўлса, улар қуйидаги тарзда акс эттирилади:

— мақсадли давлат жамғармалари олдидаги тўловлар бўйича кечиктирилган қарзлар суммасига

**Дебет 67 «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича кечиктирилган тўловлар» субсчёти**

Кредит 6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счёти — жорий қисми бўйича

Кредит 7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти — узоқ муддатли қисми бўйича

— ижтимоий суғурта бўйича тўловлар бўйича кечиктирилган қарзлар

**Дебет 69 «Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг «Ижтимоий суғурта бўйича кечиктирилган тўловлар» субсчёти**

Кредит 6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счёти — жорий қисми бўйича

Кредит 7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича



ча узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти — узоқ муддатли қисми бўйича

### **68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Мазкур счёт қолдигини корхона томонидан тўлайдиган солиқларнинг турлари бўйича ажратиш зарур. Мазкур счётнинг янги счётлар Режасидаги айнан ўхшаши — 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти ҳам ана шундай аналитик бўлинишда ифодаланиши лозим.

Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни акс эттирувчи ушбу счётнинг кредит қолдиғи (аналитик бўлинишда) 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счётига ўтказилади:

#### **Дебет 68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.

Агар солиқлар бўйича ортиқча тўловлар мавжуд бўлса (бўнак тўловлари ҳисобланган тўловлардан кўп бўлса), яъни ушбу счётда дебет қолдиғи бўлса, уни актив сифатида акс эттириш лозим:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счёти

#### **Кредит 68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Агар бюджет олдида солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли ҳукумат органларининг қарорига кўра кечиктирилган қарзлар мавжуд бўлса, улар қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Дебет 68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» счётининг «Кечиктирилган солиқлар» субсчёти

Кредит 6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счёти — жорий қисми бўйича

Кредит 7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти — узоқ муддатли қисми бўйича.

### **70 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Мазкур счёт қолдиғни дебет ва кредит қисмларига ажратиш лозим.

Мазкур счётнинг дебет қолдиғи меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўланган бўнакларни акс эттирганлигига ишонч

ҳосил қилиш зарур, сўнгра эса уни 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» актив счётига ўтказиш лозим:

Дебет 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счёти

**Кредит 70 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Мазкур счётнинг кредит қолдиғи нафақат ҳисобланган, балки депонентланган иш ҳақини (айрим корхоналарда) ҳам ифодалаши мумкин ва улар янги счётлар Режасида 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ва 6720 «Депонентланган иш ҳақи» пасcив счётларида акс эттирилади:

Дебет 70 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счёти

Кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти

Кредит 6720 «Депонентланган иш ҳақи» счёти

#### **71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Мазкур счёт ҳам дебет, ҳам кредит қолдиғига эга бўлиши мумкин.

Мазкур счёт бўйича дебет қолдиғини таҳлил қилиб чиқиш лозим ва у ходимларга бирон-бир ишлаб чиқариш топшириқларини: хизмат сафарлари, маҳсулотларни сотиб олиш ва шу кабиларни бажариш учун берилган бўнақларни акс эттиради. Аксарият ҳолларда, йил охирига бориб мазкур счётнинг дебет қолдиғи энг кам миқдорда ёки умуман бўлмаслиги керак, чунки кўпинча бу вақтга келиб ходимлар олинган бўнақлар бўйича ҳисоб берадилар. Агар шунда дебет қолдиғи мавжуд бўлса, уни қуйидагича актив счётларга ўтказиш керак:

Дебет 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счёти

Дебет 4230 «Умумҳўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар» счёти

Дебет 4290 «Ходимларга берилган бошқа бўнақлар» счёти

**Кредит 71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» счёти.**

Мазкур счётнинг кредит қолдиғи корхонанинг ўз

ходимлари олдидаги қарзларини акс эттиради (агар ходим амалда бўнак учун олганидан кўп суммани сарфлаб юборган бўлса) ва у янги счётлар Режасида 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» пассив счётида акс эттирилади:

**Дебет 71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6960 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» счёти.

**73 «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Мазкур счёт ҳам дебет, ҳам кредит қолдиғига эга бўлиши мумкин.

Ходимларнинг корхона олдидаги турли қарзларини акс эттирувчи мазкур счёт бўйича дебет қолдиғини таҳлил қилиш лозим. Ушбу қарзларнинг жорий қисми жорий актив сифатида акс эттирилиши керак:

Дебет 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи» счёти

Дебет 4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» счёти

Дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»

Дебет 4790 «Ходимларнинг бошқа қарзи» счёти

**Кредит 73 «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.**

Узоқ муддатли қарзлар жорий қарзлардан алоҳида акс эттирилиши лозим:

Дебет 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счёти

**Кредит 73 «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.**

73 «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счётининг кредит қолдиғи, хусусан, корхонанинг акцияларини сотиб олишлари учун ходимлардан олинган бўнақларни ҳам акс эттириши мумкин ва бундай ҳолларда уни олинган бўнақлар сифатида акс эттириш лозим:

**Дебет 73 «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти**

Кредит 6320 «Акцияга обуначилардан олинган бўнақлар» счёти.



## 75 «Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти

Мазкур счёт фақат устав капиталининг шакллантирилиши (қайтадан шакллантирилиши) давридагина дебет қолдиғига эга бўлиши мумкин ва у таъсисчиларнинг ўз улушларини киритиши бўйича қарзлари тўғрисида маълумот беради, шунинг учун ҳам унинг мавжудлиги — алоҳида эътиборни талаб қилувчи фактдир. Ушбу счётнинг дебет қолдиғини янги счётларга ўтказиш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти

### Кредит 75 «Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти

Корхонанинг таъсисчилардан қарзларини англатувчи ушбу счётнинг кредит қолдиғи мазкур қарзларнинг турига боғлиқ ҳолда қайтадан таснифланади:

### Дебет 75 «Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти

#### Кредит 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счёти

Кредит 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти.

## 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти

76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётини ёпишга, эҳтимол, ҳаммадан кўп вақт сарфлашга тўғри келади, чунки, унда, одатда, юридик ва ҳисмоний шахслар билан бўладиган ҳар хил операцияларга оид жуда кўп ахборот акс эттирилади.

Дастлаб 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти дебет қолдиғининг ўтказилишини кўриб чиқамиз.

Агар мазкур счётда ҳисобланган жорий ижара тўлови, шунингдек, узоқ муддатли ижара қарзларининг жорий қисми ҳисобга олинган бўлса, қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга ошираемиз:

Дебет 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счёти

Дебет 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счёти

Кредит 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти.

Агар мазкур счётада мол отказиб берувчиларга ва бошқа шахсларга билдирилган даъволар ҳисобга олинган бўлса:  
Дебет 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти

**Кредит 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти.**

Агар ушбу счётада дивидендлар ва берилган қарзлар бўйича олинадиган фоизлар (яъни, дивидендлар ва фоизлар бўйича дебиторлик қарзлари) акс эттирилган бўлса:

Дебет 4840 «Олинадиган дивидендлар» счёти

Дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти

**Кредит 76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти.**

76 «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг дебети бўйича тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бўнак тўловлари (масалан, ходимларнинг ўқишига ёки улар учун сайёҳлик йўланмаларига ҳақ тўланиши) акс эттирилган бўлса, улар қуйидаги тарзда қайтадан таснифланиши лозим:

